

Ўзбекистон ва Венгрия етакчилари икки мамлакат ҳамкорлигидаги илмий марказни бориб кўрди



Президент Шавкат Мирзиёев ва Бosh вазир Виктор Орбан Тошкент вилояти Юқори Чирчик туманида ташкил этилган Ўзбекистон-Венгрия Картошкачилик илмий марказига ташриф буюрдилар.

Ушбу илмий муассаса Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар тизими негизида ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари бу тармоққа алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Картошка аҳолининг кундалик истеъмол маҳсулотларидан биридир. Унинг сифатли ва арzon бўлиши ҳар бир оила фаровонлигига таъсир қиласди.

Картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш учун катта миқдорда уруғлик зарур. Хусусан, юртимизга истеъмол учун 200-300 минг тонна, уруғлик учун 17 минг тонна картошка четдан келтирилади.

Энди янги марказ Венгриядан келтирилган навларни синовдан ўтказиш ва уруғлик картошка ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу ерда маҳаллий ва хорижий навларни чатиштириш орқали картошка етиштиришнинг барча босқичларида сифатни таъминлашга қаратилган комплекс тизим ишлаб чиқилади. 50 дан ортиқ навлар маҳаллийлаштирилиб, картошкачилик генофонди яхшиланади.

Инновицион усуллар самарасида 2021-2023 йилларда ҳосилдорликни 30-50 фоизгача ошириш мўлжалланган. 2024 йилга бориб, 21 минг тонна уруғлик картошка етиштириш, бу борадаги импорт ўрнини тўлиқ қоплаш мақсад қилинган.

Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбан бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Илмий марказда «*in vitro*», ўсимликлар патологияси, картошкани сақлаш физиологияси, сифат

назорати бўйича лабораториялар ташкил этилган. Намуналар тайёрлаш, етиштириш ва сақлаш хоналари замонавий жиҳозланган. Марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун Венгриядан 4 нафар илмий ходим келган.

Давлатимиз раҳбари мутахассис ва мутасаддилар билан мулоқот қилди. Кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, дәхқон ва фермерларни бу ерда ўқитиб, соҳадаги ютуқларни барча худудларга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Меҳмонлар фермерлар учун ташкил этилган агрохизматлар маркази, юртимиз қишлоқ хўжалигига қўлланилаётган техника ва технологияларни ҳам кўздан кечирди.









[Манба](#)